

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИ КИТОБ МУТОААЛАСИГА ЎРГАТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

**Холбоева Гулнора Анорбоевна<sup>1</sup>**

<sup>1</sup>*n.ф.н., доц. ЖДПУ Бошлангич таълим  
методикаси кафедраси мудири*

### ИНФОРМАЦИЯ О СТАТЬЕ

#### **ИСТОРИЯ СТАТЬИ:**

*Received: 18.05.2025*

*Revised: 19.05.2025*

*Accepted: 20.05.2025*

#### **КАЛИТ СЎЗЛАР:**

*Китоб, ўқувчи,  
маънавий камолот,  
маърифат, тарбия, ота-  
она, оила, китобхон,  
бадиий асар.*

### АННОТАЦИЯ:

*Мақолада мамлакатимизда олиб борилаётган китобхонликни кучайтириши йўллари, бўлажак ўқитувчиларда китоб мутолаа маданиятини ривожлантиришининг ўзига хос жиҳатлари ёритилган. Муаллифнинг таъқидлашича талаба-ёшлар қалби ва онгига ушибу кўникмаларни сингдириши, уларда китобхонлик маданиятини юксалтириши, шунингдек, босма нашрлар намуналари билан доимий таништириб бории ва бу эзгу йўлда хизмат қилаётган инсонлар саводхонлигини ошириши ҳозирги кунинг муҳим вазифаларидан биридир.*

**КИРИШ.** Китоб мутолааси кишини комиллик сари етаклайдиган, унинг тафаккур хазинасини бойитадиган, зеҳнини ўткир, мушоҳадасини теран қиласидиган муҳим воситадир. Инсоният томонидан қашф қилинган энг буюк ихтиро, ҳеч шубҳасиз, китобдир. Асрлар оша башарият қандай ютуқ ва мэрраларга эришган бўлса, албатта, бунинг замирида китобга меҳр, мутолаага иштиёқ мужассам.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев хар бир чиқишлиарида ёшларимизни китобхонликка ўргатиш, бу ишга ижодкорларни жалб этиш ҳақида таъқидлайди. Зоро, навқирон авлодни бой маънавий меросимиз билан таништириш, улар қалбida тарихимизга муҳаббатни уйғотишда китоб бекиёс аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 12-январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши юртдошларимизни, хусусан, ёшларни китоб мутолаасига жалб этишда янги даврни бошлаб берди, десак асло муболага бўлмайди.

Фармойишга биноан, эндиликда таълим муассасалари, кутубхоналар, маҳаллаларда китоб муаллифлари билан ижодий учрашувлар тизимли равиша ташкил этилади ҳамда таълим муассасалари, айниқса, мактабгача ва бошланғич таълимда ўқиш маданияти ва мутолаа кўникмалари шакллантирилади.

Фармойишдан кўзланган мақсад халқимизнинг, хусусан, ёшларимизнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларнинг фикрлаш доирасини кенгайтириш, бадиий дид, таҳлилий-танқидий назарларини ўстириш, этик ва эстетик қарашларини янада такомиллаштириш, китобхонлик маданиятининг жамият маънавий ҳаётидаги ўрни ва ролини янги босқичга кўтаришдан иборатdir.

Бугуннинг ёшлари барча давр фарзандлари каби беғубор, самими. Аслида уларнинг китоб билан дўст тутиниши учун биз катталарнинг қуруқ даъвати кифоя эмас. Аввало, шароит яратиш, рағбатлантириш ва ёш авлоднинг қизиқишини инобатга олиш зарур. Юрбошимизнинг мазкур фармойиши бу борада барчамиз учун муҳим дастуриламал бўлиб қолади.

Китоб ўқиш ўрнига нега телефонда ўйин ўйнаб тонг оттираётган йигит-қизлар сони ортаётир? Нега ота-она боласини яхши кийинтиришдан қочмайди-ю, китоб харид қилишга вақт тополмайди?

Бу каби саволлар аҳвол кўнгилдагидек эмаслигини, соҳа такомиллашиши, замонга бўйлашиш вақти аллақачон келганини билдиради.

Китобнинг фойдаси ҳақида сўзлаётиб, кўпинча дунёқарашни ўстиради, тафаккурни кенгайтиради ёки ақлни чархлайди каби умумий хулосалар айтамиз. Бироқ бу қандай рўй беради? Мутолаа қилибок тезда билимдон бўлиб қоласан, деган мужмал қараш – нотўғри.

Тан олайлик, кўп такрорланганда таъсирчан гап ёки иборанинг ҳам бора-бора оҳори тўкилади. Худди “китоб ўқи, одам бўласан”, “кўпроқ ўқи, ақлинг чархланади”, “китоб – билим манбаи” каби сўзлар қулоққа чалинавериб қимматини йўқотгандек. Албатта, уларни яхшилик учун ишлатамиз, бироқ тарғиботда сўзнинг қадрини билган афзал эмасми?

Бу борада, аввало, китоб тарғиботини мактабгача таълим муассасаларидан бошлаган маъқул. Негаки, бола онгода боғчадан китоб мутолаасига иштиёқ уйғотилса, у шунга кўнишиб, умр бўйи мутолаа қилиб яшайди. Умрининг мазмунини мутолаадан топади.

Фармойишда китоб тарғиботи бўйича ҳам алоҳида тавсиялар берилган. Жумладан, унда жойларда ёзувчи, шоирлар иштирокида китоб байрами ва ярмаркаларини

ташкил этиш, китобхонлар, босма ва электрон китоб ишлаб чиқарувчилар, китоб сотувчилар ҳамда кутубхоначи ва тарғиботчилар орасида танловлар ўтказиш тизимини такомиллаштириш каби хайрли ишлар кўзда тутилган.

Китоб – хазина. Маънавий оламимизни бу хазина билан безаш ўз қўлимизда. Мутолаага ҳамроҳ инсонни эса, қўлида машъала кўтарган шахсдек тасаввур қилиш мумкин. У нафақат ўзининг, балки яқинларининг ҳам йўлини ёритади.

Ҳақиқатан ҳам, китоб барчамизни эзгуликка ундейдиган, олдимизда турган барча муаммоларни ҳал этишга ёрдам берадиган кучдир. Шунинг учун ҳам юртимизда китоб билан ошно бўлган, китобни суйган, китоб ёзган, китобни муқаддас билиб, кўз қорачифидек асраган кишиларни зиёли деб аташган. Зиёли – нур тарқатувчи, у ўзининг хатти-ҳаракатлари, фаолияти билан жамиятни нурлантирувчи, маънавий-ижтимоий барқарорликни таъминловчилар хисобланган.

Хўш, таълим муассааларда талабаларни китобхонлик маданиятини ривожлантириш деганда нимани тушунамиз? Ўзининг қасбий-мутахассислик ҳамда бадиий-маънавий баркамоллигини ошириш учун китобни танлай олиш ва ўзи учун зарурини ўқиши, китоб устида ишлаш малакасини обдон ўрганиб олиш ва унга чукур амал қилиб, ўқиган китобнинг асосий мазмунини талқин қила билиш, ўқиганларидан ҳаётий хулосалар чиқаришдир. Шундай экан, бугун талаба-ёшлар қалби ва онгига ушбу кўникмаларни сингдириш, уларда китобхонлик маданиятини юксалтириш, шунингдек, босма нашрлар намуналари билан доимий таништириб бориш ва бу эзгу йўлда хизмат қилаётган инсонлар саводхонлигини оширишининг мавруди келди назаримизда. Зеро, китоб мутолааси инсонни инсоф, диёнат, бағрикенглик, саҳоват, меҳр-оқибат каби фазилатлар соҳиби бўлишга ундейди.

Айни пайтда талабаларнинг китобхонлик маданиятини шакллантириш учун фармойишда белгиланган социологик сўровномани ўта масъулият билан ташкил этиш лозим. Бундай сўровнома бир томондан, талаба-ёшларнинг китобхонлик маданияти даражасини аниқласа, бошқа томондан, жамият талаб этаётган муаммоларни аниқлаш, мавзуулар танлашга имкон беради.

Шунингдек, мутахассислар, соҳа ходимлари “Ёшларга тавсия етилаётган 100 та асар” рўйхатини тузиш, унда миллий ва жаҳон адабиётининг нодир дурдона асарларини ўқишини тавсия этиш ҳам муайян аҳамиятга эга бўлади, деб ўйлаймиз.

Соатлаб телефонда гаплашиш ва телевизор олдидан жилмаслик, ҳафталаб компьютер ўйинлари билан машғул бўлиш интеллектуал салоҳиятни емиришини бугун вақтнинг ўзи исботлаб турибди. Чунки булар бир лаҳзалик қувонч, аникроғи,

шунчаки овунчоқ. Аммо бир ойда биттагина китоб ўқисангиз олган таассуротларингиз йилларга татийди. Энг муҳими, меҳр-оқибат, олижаноблик, инсонийлик каби туйғуларни қалб кўзи билан кўра оласиз. Адолатсизлик, мунофиқлик, иккиюзламачилик каби иллатлардан нафратланишни ўрганадилар.

Маънавий хуружлардан, “оммавий маданият” ниқоби остида кириб келаётган турли иллатлар таъсиридан қандай ҳимояланиш мумкин? Бундай балолардан бизни китоблар, яхши асарлар ҳимоя қила олади. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидлаганидек бугун фикрга қарши – фикр, ғояга қарши – ғоя, жаҳолатга қарши – маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб етаяпти.

Бугун ёшлар юрагига Алишер Навоий асарларидаги олижаноб туйғулар, инсонпарварлик ғоялари кириб бормайдиган бўлса, уларнинг ўрнини хориждан кириб келаётган турли хил ахлоқсиз ғояларни тарғиб қилувчи “асарлар” эгаллаб олиши табиий.

Бугунги кунда талабани китобга меҳр қўйишга нима халақит беради? Яхши асар йўқми? Ундай дейдиган бўлсақ, китоб дўконлари пештахталаридан хоҳлаган ёзувчинингизнинг асарини топишингиз мумкин. Айниқса, талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиқиб нашриётлар баъзи асарларни қайта-қайта чоп этмоқда.

Қандай қилиб ёшларни китобга ошно қилиб тарбиялаш мумкин? Бунда, аввало, муҳит муҳим рол ўйнайди. Яъни атрофимиздаги дўстларимиз, бизга сабоқ берган устозларнинг китобга бўлган қизикиши унга меҳр уйғотишга туртки бўлади.

Жамият, миллатнинг ривожланиши, тараққий этиш тарихига назар ташлайдиган бўлсақ, билимли, маънавиятли ва маърифатли талаба-ёшларнинг жамият юксалишида ўрни бекиёс. Бундай талаба-ёшларни баркамол этиб тарбияловчи асосий омиллардан бири – мутолаа қилиш воситаси китоб ҳисобланади. Китоб – инсон умр йўлларини ёритувчи сўнмас нур, инсон ҳаётига мазмун баҳш этувчи саодат манбай, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳамроҳ бўлгувчи содик дўст. Инсоннинг руҳий-маънавий камолотини таъминлашда китобчалик кучли қудратга эса восита йўқдир. Шу боисдан, азал-азалдан маърифат пешволари, аҳли донишлар бутун инсониятни китоб ўқишига, ундан илму одоб сирларини ўрганишга чорлаб келишган. Тарбиянинг барча мезон ва унсурлари, аввало, оиласда шакллантирилганидек, китобхонлик маданиятини тарбиялашда ҳам оиланинг ўрни ниҳоятда каттадир. Қуш уясида кўрганини қиласи, деган нақлга таянсақ, бу моҳият янада долзарб босқичга қўтарилади.

Дарҳақиқат, шахсни ривожланишида оилавий мұхит, оилавий қадриятлар асосий восита ҳисобланади. Ота-онанинг маънавий даражаси, ахлоқий қарашлари бевосита фарзандга ҳам кўчиб ўтади, фарзандлар шахсиятида акс-садо беради. Бинобарин, китобхонлик, бадиий адабиётга муҳабbat ҳам инсон маънавий тафаккурини, тарбия ахволини намоён қилувчи мұхим хусусиятлар сирасидандир. Китоб дунёсига ошуфта, адабий оламга ҳамнафас, бадииятдан баҳраманд қалб эгаси ўзидағи бу түйғу ва фазилатларни атрофидагиларга, айниқса, оиласига ҳам юқтириши, сингдириши эҳтимоли юқори. Китобхон ота-оналарнинг фарзанди ҳам китобга ўзгача меҳр кўрсатади, бу маънавият ҳазинасига табиий қизиқиш ва интилиш туяди. Шу боис китобхон авлод тарбиясида, аввало, ота-онанинг тарбияли бўлиши, бадиий адабиётга ошно эканлиги мұхим заруриятдир.

Бугун жамиятимизда китобхонликни ривожлантириш, мутолаа маданиятини такомиллаштириш борасида ҳар доимги даврдан бир неча баробар кўп микдорда самарали ишлар амалга оширилмоқда, ташвиқот-тарғиботлар олиб борилмоқда. Шундай бўлса ҳам, оилавий мұхитда ва таълим муассасаларда китобхонлик маданияти такомили қониқарли даражада эмас. Юқорида кўриб ўтганимиз каби китобсевар оилалар билан бир қаторда, уларнинг акси бўлган оилавий мұхитни ҳам учратишимиз ачинарли. Кўпгина оилалар, ота-оналар на ўзлари китоб ўқишига қизиқишиади, на фарзандларини бу борада тўғри йўналтиришиади.

Шунингдек, оилавий китобхонликда китоб танлови маданиятига ҳамма ҳам етарлича аҳамият қаратавермайди. Бадиий асар танлашда фарзандининг ёш ва физиологик хусусиятлари, руҳий-маънавий дунёси, қизиқиш ва интилишлар кўламини назарда тутмас экан, ҳар қандай китобсевар ота-она бу борада ижобий ютуқларга эриша олмайди. Кўринадики, мутолаа маданиятининг ҳам ўзига хос меъёр ва талаблари мавжуд. Шуларни эътиборга олган ҳолда, оилавий китобхонлик маданиятига эга бўлиш учун қўйидағи тавсияларни эътиборга олиш назарда тутилади:

- китоб мутолаасида ҳамиша ёшларга ўрнак бўлиш;
- китоб танлаш маданиятига эга бўлиш;
- ҳар бир фарзанднинг ёш ва характер хусусиятини, руҳий-маънавий дунёсини назарда тутган ҳолда китоб тақдим қилиш;
- талаба-ёшларга тез-тез китоб мутолааси хусусида суҳбат ўтказиб, зарурий тавсиялар бериб туриш (бу оилавий китобхонлик анъанасини муқаддас қадрият сифатида давом эттиришга замин яратади);

– ҳар бир китоб мутолааси учун ҳар қунлик ва ҳафталик миқдорларни белгилаш ва мунтазам назорат қилиб бориш;

– ўқилган асар мазмун-моҳияти, қаҳрамонлар характер-хусусияти, ижодкор ёндашуви, олинган таассуротлар бўйича давра сұхбатлари ташкил қилиб бориш;

– ўз вақтида ва талаб даражасида мутолаа қилган китобхон таълим муассасаси тамонидан алоҳида рағбатлантириш;

– бадиий адабиёт ўқишига етарлича қизиқиши билдирмаётган, топшириқларни ўз вақтида бажара олмаётган талабалар билан алоҳида шуғулланиш, унда китобхонлик кўникмаларини ривожлантиришга эришиш;

– жамиятнинг моддий-маънавий тараққиёти учун муносиб ҳисса қўшадиган юксак маънавиятли, интеллектуал салоҳиятли оила сифатида қадр топиш.

Юқоридаги мулоҳазалардан кўринадики, маънавий баркамол китобхон авлод тарбиясида оила ва таълим муассасаси муҳим ва мустаҳкам пойдевор. Шу боис жамиятда китобхонликни ривожлантириш, мутолаа маданиятини такомиллаштириш борасидаги ҳар қандай фаолиятда оила ва таълим муассасаси билан ҳамоҳанг, ҳам фикр иш юритиш кўзланган мақсадларга эришишга муносиб замин яратади.

Юртимизда маънавий-маърифий ишларнинг ролини ошириш орқали фуқароларимизнинг, айниқса, мамлакат ёшларининг маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги ғояси орқали юксак фуқаролик масулиятини Хис қилиш, англаш ва жамиятга дахлдорлик туйғуси билан яшашга мунтазам даъват этиш барчамизнинг мақсадимиздир.

Ёшларга бўлган эътибор ва уларнинг келажагини белгилаш борасидаги вазифалар мустақиллигимизнинг дастлабки даврларидан давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилиганини ва бу элнинг умумистиқболли, юрт манфаати, Ватан равнақи борасидаги ғамхўрликнинг ифодаси замирига етук ва комил инсон бўлиб камол топиш каби қатор масалаларни амалга оширишда қатъият ва иродани намоён этиш каби талабларини ўртага қўяди. Бинобарин, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “...мамлакатимизнинг тақдири ва келажаги учун масулиятни ўз зиммасига олишга, бу йўлда бор билим ва салоҳиятини сафарбар этишга қодир бўлган, азму шиҷоатли ёшларни тарбиялаб вояга етказиш – биз учун энг муҳим масаладир. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ўзининг амалий фаолияти билан барчамизнинг, биринчи навбатда, ёшларимизнинг умидларини албатта оқлайди, деб ишонамиз”, – дея алоҳида эътибор қаратгани бежиз эмас. Зоро, бундан кўзланган асосий мақсад уюшмаган ёшлар, жиноят кўчасига адашиб кириб

қолган талаба-ёшларни муаммоларини ўрганиш, керак бўлса илмий таҳлил қилиб, уларни ҳам жамиятимиз аъзоларига айлантириб, тенг хукуқлилигининг таъминлашдан иборат. Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев қайд этганидек: “Айни пайтда бугун замон шуни талаб қиляптики, бу борадаги фаолиятимизни янада кучайтирмасак, унинг самарасини оширмасак, шунча қилган саъй-ҳаракатлармиз бекор кетади”, – дея бежиз таъкидламаган.

Азалдан халқимиз ўз фарзандларини баҳтли бўлсин, дея яшайди. Бунинг учун улар “ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда бола тарбияси қандай бўлиши керак?”, “Тарбиянинг қандай усуллари бор?”, “Улардан қай йўсинда фойдаланиш мумкин?” каби саволларга жавоб излайдилар. Чунки тобора глобаллашаётган ҳаётнинг педагогик муаммоларга таълим-тарбия соҳаси масуллари, айниқса, ота-она, маҳалла, таълим муассасалар учун илмий асосланган ечимлар зарур ҳисобланади.

Шу ўринда “буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз” деган тамоилида таълим муассасаларида ёшлар билан ишлаш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва саводхонликларини ошириш масалалари юзасидан чоратадбирилар амалга оширилмоқда.

Бугун талаба-ёшлар учун таълим муассасаларида яратиб берилаётган шароитлар баркамол авлодларни тарбиялашга замин яратмоқда.

Соҳибқирон Амир Темур таъбири билан айтганда, “Китоб (битиг) барча бунёдкорлик, яратувчилик ва акл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни яратувчи мураббийдир”. Шу маънода, шаклидан қатъий назар, барча китоблар миллий ўзлигимиз ҳамда умуминсоний қадриятларни тарғиб этишга хизмат қилиши айни муддао.

Ўз навбатида, эл-юртимизга азалий хос бўлган одамийлик, инсонни қадрлаш, меҳроқибат, бағрикенглик каби олийжаноб қадриятлар, инсонпарварлик, халқпарварлик ва ватанпарварлик каби юксак замондошларимиз қўлига етиб бораётган китобларнинг аҳамияти ҳамда қадрини йўқотмайдиган бош мавзулари бўлиб қолаверишига ишончимиз комил.

Хулоса килиб айтганда, давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалар бир томондан, азалдан китобсевар халқимиз, шу жумладан ёшларимизнинг китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини юксалтириш юзасидан ҳозирги замон талаблари даражасида жуда кенг имкониятлар яратишга қаратилган бўлса, иккинчи томондан, яқин вақт оралиғида Ўзбекистонимизнинг том маънода китобхонлар юртига айланишига хизмат қиласади.

Инсон ҳаёти учун энг зарур нарсалар қаторида биринчи нон бўлса, иккинчиси китобдир. Нон инсоннинг моддий эҳтиёжини қондирса, китоб маънавий бойлик, ўзлиқни англаш, энг муҳими инсоний тарбиянинг муҳим манбаи бўлиб хизмат қиласди. Айнан тарбиявий омилнинг китобхонлик даражаси билан боғлиқлиги мутолаа ишининг ҳар қандай даврда ҳам давлат ва жамият учун асосий масала эканлигини англатади.

Хозирда ёшларимиз асосий ахборотларни телевидения ва интернет орқали олмоқда. Шу боис ёшларни китоб ўқишга бўлган қизиқишиларини кучайтириш, уларнинг маънавий савиясини оширишда китоб муҳим аҳамият касб этади. Аммо, бугунги кунда ёшларимиз орасида китоб ўқиш, китобни ўрганиш анча сустлашиб қолди. Албатта бу ачинарли ҳолдир. Аввало ота-оналар ҳушёр бўлайлик, фарзандимиз нимага қизиқишини ва қандай китоб ўқишини мунтазам назорат қилиб борайлик. Уларни китоб ўқишилари, илм олишлари учун шароит яратиб, кутубхонамизни китоб билан бойитайлик.

Буюк шоир ва мутафаккир Ҳазрат Алишер Навоий: “Китоб – беминнат устоз. У ҳар дақиқа бизни донишмандларнинг билим хазинаси билан ошно эта олади”, деган эдилар. Китоб фарзандларимиз таълими ва маънавий тарбиясида энг муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Китоблар инсониятнинг энг бой билим хазинаси сандигъидир, десак хато қилмаймиз. Китоб доим бизни фикрлашга, динни ўрганишга, ҳалол яшашга, Ватанни севишга, жамият тараққиётiga хизмат қилиш ва маънавий меъросимизни асрашга ҳамда эзгуликка чорлаб келган. Шунинг учун китоблар миллатнинг маданий меъроси сифатида бокийдир.

Ўзбекистон ўзининг кўп асрлик маданияти дурдонларини, жаҳонга машхур алломаларининг илмий-адабий мъросини, жумладан улар қолдирган ноёб китобларини келажак авлод учун авайлаб-асраб, ёш авлод ўртасида оммалаштириб, кенг таргъиб қилиб келмоқда.

Дарҳақиқат, китоб – билим манбаи. Китоб мутолааси эса инсонни ҳаёти давомида мукофот билан тақдирловчи шарафли меҳнатдир. Бу борада талабаларга китоб мутолаасига меҳр уйготишда оила муҳим аҳамият касб этади. Фарзандларимизда китобга меҳр уйготишга ҳаракат қилайлик. Китоб бизга улкан таъсир кўрсатиб, жуда катта чуқур ҳаётий тажриба беришини ҳам асло ёдимиздан чиқармайлик.

Олимларимиздан бири китоб ҳақида шундай деган эди: “У кишини зиёли қиласди, унда гўзаллик туйғусинигина эмас, ҳаётни, унинг бутун мураккабликларини тушунтириш каби қимматли туйғуни ривожлантиради, бошқа даврлар ва бошқа

халқларни тушунишда йўлбошлилик қиласи, сизга кишиларнинг қалбини очиб беради. Бир сўз билан айтганда, сизни донишманд қиласи”. Шундай экан хуроса ўрнида шуни айтмоқчимизки, китоб ўқишидан асло тўхтаманг. Ҳозир китобдан олган барча яхши фазилатларни бир умр қалбингизда сақлаб қолинг. Зоро, китоб инсонни доимо яхшилика етаклайди.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. – Т.: “Гафур Гулом”, 2017. – 92-б.
2. Ismailova, Zukhra, RuzimurotChoriev, and AynisaMusurmanovaMahfuzaAripjanova. "Methods of training of teachers of university on advanced training courses." *Journal of Critical Reviews* 7.5 (2020): 413-416.
3. Narbaeva, T.K, Musurmanova, A. "Priority areas of spiritual, moral and physical education of youth in the family". *Annals of the Romanian Society for Ceff Biology* 25.1 (2021): 6485-6496
4. Ismailova, Z.K, Musurmanova, A, Shomurotova, N.N, Kholiqova, N.A "Methods of training of teachers of technical university on advanced training courses." *Annals of the Romanian Society for Ceff Biology* 25.2 (2021): 2959-2970
5. Karabaevna Z., Xamroevich R., Musurmanova A. Improving the competence of future vocational education teachers based on modular-rating education //International Journal of Engineering and Advanced Technology. – 2019. – Т. 9. – №. 1. – С. 6903-6906.
6. Мусурмонова О. Оила маънавияти–миллий ғурур //Ўқув қўлланма). Т. – 1999.
7. Мусурманова А. Концептуальные основы формирования духовной культуры молодежи в системе непрерывного образования //Проблемы педагогики. – 2019. – №. 1 (40).
8. Мусурманова А. Профессионализм педагога в духовном формировании подростков средствами книг //Academy. – 2019. – №. 2 (41).